




Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Харакатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#21 16.03/2012

ЗОЛИМ ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЗҒОЛИНГ!



Ўзбекистонда бозор иқтисоди равнақ топмади. Шунинг учун ҳам ўрта синф мавжуд эмасдир. Ўрта синф замонавий дунёдаги барча нормал жамиятларни асоси ҳисобланади. Кучли фуқаровий позициядаги ўрта синф бизнинг жамиятимиз учун жуда зарурдир.

Ўзбекистонда бошқарув шакли феодал давлат шаклидан-да баттарроқ тус олди. Бу мантиқан тўғри жараён.

Чунки, Каримов режими бундан бошқа услубда давлатни бошқараолмайди. Сал эркинроқ бўлган бошқарув шаклида у хокимиятини дархол йўқотган бўларди.

Бундай вазиятда нисбатан бирлашган, ташкиллашган фермерлар, меҳнат муҳожирлари ва киракаш гуруҳларни фаолликка чорлашни лозим топдик. Биринчи мурожаатимизни киракашларга қаратилди.

Таксичи-киракаш дўстлар! Меҳнаткашлар!

Ўзбекистонни аксилмиллий ҳукумати сизларни аҳолига шахсий хизмат кўрсатишингиз учун “махсус рухсатнома” сотиб олишга мажбурлапти.

Бу қароқчилик ва талончиликдир!

Сизлар бензин сотиб олганда йўл солиғини тўлайсизлар. Сизлар “автомобил суғуртаси”ни олганда яна пул тўлайсизлар.

Яна қачонгача ва нималар учун тўлаш керак?

Сизлар ноиложликдан хусусий киракашлик қиласизлар.

Ораларингда муҳандислар, илмий ходимлар ва техниклар бор.

“Папа” деб аталган кимсанинг бу “давлати” сизларни касбингизга лойиқ иш билан таъминлай олмай, киракашлик қисматига мажмур этди.

Сизлар ишлашингиз лозим бўлган завод ва фабрикалар вайрон бўлди ва у ердаги ускуналар кераксиз темир-тераскака айланди.

Каримов амалдорлари янада бойиш мақсадида корхоналардаги қолган-қутган нарсаларни ҳам сотишмоқда.

Сизлар оилангизга бир парча нон топиш учун киракашлик қиларкан, “Папа”нинг ўғриларнинг хотинлари 15 минг

долларлик сумкачаларини кўтариб, “Мерседес”ларга ўтиришади.

Бу оиймтиллаларнинг ўша сумкалари сизларнинг таксимашинангиздан қимматроқ!

Бу золим зараркунадаларга қарши қўзғолинг! Тезкор гуруҳларга бирлашиб, ИАК бошчилигидаги байтулмол ўғриларининг бу ғайри инсоний сиёсатига қарши ўз норозилигингизни билдириң!

(Бу варақани бошқаларга тарқатинг)

ЎХХ тарғибот бўлими.

БУГУНГИ СОНДА:

ЕЧИМ БИТТА: ДИКТАТУРАГА ҚАРШИ ҚЎЗҒОЛИШ КЕРАК

Ҳозирги вазиятда “Нима қилишимиз керак”, деган саволга жавоб битта: Ўзбекистон халқи Ислоҳ Каримов диктатурасига қарши Қўзғолон қилиш керак... (2-3 - бетлар)

КАРИМОВ ЭНДИ ҲАМ АВТОМАТДА ҚИРА ОЛАРМИКИН?

Йўқ... Агар муносиб уюша олсак, қиришга ҳадди сиғмайди. Ҳадди сиғса-да, амалга ошира олмайди... Нега? (4-бет)

ОЛОМОН ҚЎРҚОҚЛИГИ

Ишонсангиз, 100 дан ошиқ, балки ундан ҳам кўпдир одамлар ташқарига қолдилар. Мелисалар эса бизларни худди подани хайдагандек хайдашарди... (4-бет)

КЎРНАМАКЛАР ВА ДОЛЛАРЛАР

Бугун Каримов зиндонларида ўн мингларча инсонларимиз ўзбек бўлгани учун, ўз эътиқодини, шарафини ҳимоя қилгани учун азоб чекмоқда... (5-бет)

РАСМИЙ ЁЛҒОНЛАРГА ЎЗБЕКЛАРНИНГ МУНОСАБАТИ

Оила мустаҳкамлиги йилидан нималарни кутиш мумкин? Албатта, кўплаб оилаларнинг бузилиши, аёлларни туғмас ҳолга келтирилиши, қанчадан-қанча оилалардан террорчилар “топиш” ва ҳоказоларни... (6-бет)

ЕЧИМ БИТТА: ДИКТАТУРАГА ҚАРШИ ҚЎЗҒОЛИШ КЕРАК



Бу қадим саволга биз ЎХХ ташкилотчилари ва аъзолари “Қўзғолон қилишимиз керак”, дея жавоб берамиз. Худди Тунис ва Миср халқлари ўз давлатларидаги диктатураларга қарши “Қўзғолон” қилганлари ва диктаторларни ағдарганлари каби Ўзбекистон халқига ҳам Ислом Каримов диктатурасига қарши “Қўзғолон”ни амалга ошириш вақти етиб келди. Ислом Каримов режимининг диктатура эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиздаги аҳвол ва халқаро сиёсий аҳвол Ислом Каримов диктатурасига жон бағишлаётгандай бўлиб кўриниши мумкин. Аммо бу вақтинчалик жон бағишлашдир. Чунки бугун ўзларининг манфаатлари учун диктатор Ислом Каримовни қўллаб-қувватлаётганлар қутилмаганда уни тарк этадилар. Худди, Миср диктатори Хусни Муборакни ёки Ливия диктатори Қоззафийни тарк этганлари каби. Демак, Ўзбекистон халқи учун Ислом Каримов диктатурасига қарши қўзғолонни бошлаш учун вақт етиб келди ва биз бу вақтнинг талабига кўра ҳаракат қилишимиз керак. Хуллас, савол аниқ ва унинг жавоби ҳам аниқдир. Аммо бу аниқ савол ва аниқ жавоб уни амалга оширишга шошилмаётган инсонларимизда яна икки қўшимча савол туғдирмоқда: **Биз нима учун қўзғолон қилишимиз керак, яъни унинг мақсади нима ва натижалари қандай бўлади? Иккинчи савол эса янада оддийроқдир: Қўзғолонни қандай амалга оширишимиз керак?**

Биз нима учун қўзғолон қилишимиз керак, деган саволнинг жавоби ҳам аслида жудда оддийдир: Қўзғолондан мақсад Каримов диктатураси ўрнига эркинлик, ҳуқуқ ва адолатга асосланган фуқаровий жамият қуришдир. Эркинлик нима ўзи? Бу аввало эътиқод, фикр, матбуот, турли сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар ва жамиятлар қуриш ва уларга аъзо бўлиш, маҳаллий ва марказий ҳукумат органларига сайлаш ва сайланиш эркинлигидир. Бу

эркинликлардан ҳеч бири Ислом Каримов диктатурасида мавжуд эмас. Бу эркинликларни қўлга киритиш учун халқ қўзғолон қилса арзийдими? Албатта, арзийди. Аммо эркинликни ўзича тушунадиганлар ҳам бор. Масалан, сўз эркинлигим бор, дея бировларни ғийбат қилиш, бировларга тухмат қилиш, аслсиз хабарлар тарқатиш орқали жамиятда фитна-фасод чиқариш... Бундай салбий “эркинликлар” сўз эркинлигига кирмаслиги ўз-ўзидан маълум. Шундай экан, худди автомобиль йўлларида қизил чироқ ёнганда чорраҳани кесиб ўтиш тақиқлангани каби, сўз эркинлигини суистеъмол қилишни истаганлар ҳам эркинликнинг ўзига яраша қизил “чироқлари” борлигини билишлари керак бўлади. Худди шундай матбуот эркинлигимиз бор, дея газеталарда, журналларда, интернет ва телевиденида шахвоний мазмундаги суратлар, видео материаллар, кинофильмлар “ижод” қилишни истаганлар ҳам топилади. Матбуот эркинлиги таъминланиши керак. Яъни, ижодкорлар ижод қилишда ҳеч қандай тўсиққа дуч келмасликлари шарт. Аммо матбуот эркинлиги шахвоният эркинлиги эмаслигини ҳам ҳамма билиши шартдир... Эътиқод эркинлиги ҳам инсоннинг жуда муҳим эркинликларидан биридир. Унинг маъноси инсонларнинг эркин ҳолда динларини танлашлари ва унга амал қилишларидир. Бу эркинликни тақиқлаш жуда ёмон оқибатларга олиб келишига Каримов диктатурасининг аксил Исломий сиёсати ва мусулмонларга қарши қилган жиноятлари далилдир. Бундай сиёсат натижасида аввало мусулмонларнинг ўз динларини тўғри ўрганишлари учун имкон қолмади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар орасида турли оқимлар, тушунмовчиликлар, ўзаро низо ва келишмовчиликлар авж олиб кетди. Ўртага чиққан ҳар бир тоифа ўз билганини ўқиди. Шу тарзда баъзилар “Халифат” қуриш, бошқалари эса “Жиход” майдонига отилиш йўлини танладилар. Қолбуки, агар жамиятда эътиқод эркинлиги таъминланадиган бўлса ва ҳукуматнинг ўзи мусулмонлар билан билан мурося қилиб, Ислом динида ягона ҳисобланадиган ўрта, мўътадил йўлдан боришни тарғиб қилса, мусулмонлар ҳам шундай мurosавий ва тинч тараққиёт йўлини танлаган бўлар эдилар. Мана шундай вазиятда ҳам баъзи гуруҳлар ўртага чиқиб, “халифат”, “жиход” қакириқларини ўртага ташлайдиган бўлсалар,

уларга қарши аввало исломий маърифат ва мусулмонларнинг ўзаро иттифоқининг шартлиги далил келтирилади. Чунки Исломда гуруҳбозлик йўқлиги ва ҳеч бир гуруҳ мусулмонларнинг барчасини тамсил қилмаслиги бир ҳақиқатдир. Хуллас, эътиқод эркинлиги таъминланадиган бўлса, мусулмонлар бу эркинликдан аввало маърифий ишларни ривожлантириш ва ўзаро иттифокни йўлга қўйиш учун фойдаланишлари керак бўлади. Бу масалада унутиб бўлмайдиган яна бир ҳақиқат Ислом динида барча масалаларнинг аста-секинлик билан тараққий қилишидир. Қуръони Каримнинг 23 йилда нозил бўлишининг сабаби ҳам мана шу ҳақиқатга кўрадир. Совет даврида ва Каримов диктатураси давомида Ўзбекистон халқи афсуски Ислом ҳақида тўғри маълумот олиш имконига эга бўлмади. Аҳолининг асосий қисмида мана шундай диний тушунмовчиликлар ва илмий камчиликлар бор экан, бир гуруҳнинг ўртага чиқиб, ўз билганича ҳаракат қилиши мусулмон оммининг бошига қаттиқ мусибатлар келишига сабаб бўлиши мумкин. Хуллас, эътиқод эркинлигининг шиори “Исломий маърифат ва мусулмонларнинг иттифоқидир”. Шу билан бирга Исломдан бошқа динга мансуб бўлганларга ҳам, Ўзбекистонда буларнинг сони жуда оз бўлишига қарамай, ўз эътиқодларига кўра яшаш ҳуқуқи берилиши керак. Сиёсий эркинликлар масаласи ҳам муҳим ва ниҳоятда нозик бир масаладир. Сиёсий эркинликлар фуқароларга ўз сиёсий ташкилотларини тузиш, эркин сайловларда иштирок этиш, бундай сайловларда ўз раҳбарларини сайлаш ёки раҳбариятга сайланиш, бу орқали давлат бошқарувида иштирок этиш имконини беради. Ўзбекистонга хос шартларда, яъни аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлган давлатда, қуйидаги сиёсий тушунчаларга ўрин бўлмаслиги керак, деб ўйлаймиз. Биринчи, ирқчилик ғояларини олға суриш. Бунинг натижасида фуқаровий низо ва хатто фуқаролар уруш ўртага чиқиши мумкин. Шундай экан, ватанимизда ирқчиликнинг ҳеч бир кўринишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистонда аҳолининг асосий қисми ўзбек миллатига мансубдир. Шунинг учун ҳам давлат тили ўзбек тилидир. Аммо миллий озчиликларнинг ўзбек тили билан бирга ўз тилларини ўрганиш ва миллий урф-одатларига амал қилишлари учун барча шартлар

ЕЧИМ БИТТА: ДИҚТАТУРАГА ҚАРШИ ҚЎЗҒОЛИШ КЕРАК

яратилиши зарурийдир. Иккинчидан, аҳолининг асосий қисми мусулмонлардан иборат эканлигини ҳисобга олиб, Ислом динини ижтимоий ҳаётдан ажратишга қаратилган сиёсий тушунча ва ташаббусларга ўрин берилмаслиги керак. Бундай қилиш жамиятда диний масалаларда тушунмовчиқлар, Ислом дини тарафдорлари ва унга муҳолифлик қиладиганлар орасида низоларни келтириб чиқариши мумкин. Сиёсий масалада йўл қўйиб бўлмайдиган учинчи хусусият эса, Ислом динини ўзлаштириб олишни истайдиган тоифаларнинг жамиятдаги мутлақ ҳукронлигига йўл қўймасликдир. Бундай тоифалардан бири ўзларини диний “зодагонлар” ҳисоблайдиганлар тоифасидир. Ислом динида зотан бундай “мақаддас оталар” тоифаси йўқдир. Яна шундай тоифалардан бири мусулмонлар орасида тахтни эгаллаб, уни ўз мол-мулкига айлантиришни, эгаллаб олган тахтини ота-бола, қариндош-уруғлар орасида тақсимлашни истайдиганлар тоифасидир. Булар салтанат пешволари ва уларнинг ҳамтовоқларидир. Мусулмонларнинг тажрибаси уларнинг бундай тоифалар (диний зодагонлар ва салтанат пешволари) томонидан бошқарилиши жамиятнинг бутун соҳада орқага кетишига олиб келишни кўрсатди. Шундай экан, сиёсий масалада ҳам мусулмонлар фаол бўлиш, ўз раҳбарларини сайлаш, уларни танқид қилиш ва лозим бўлганда уларни лавозимдан четлатишни йўлга қўйишлари керак бўлади. Сиёсий эркинлар масаласида энг муҳим масала аввало жамиятда соғлом эътиқоднинг, маърифатнинг, яхши ахлоқнинг, ижтимоий адолатнинг устунлигига ва иқтисодий барқарорликка эришишдир. Мана шу беш омил жамиятда сиёсий тўполонларнинг олдини оладиган асосий омиллар ҳисобланади, деб ўйлаймиз. Энди мавзунинг бошига қайтайлик: Ҳозирги вазиятда “Нима қилишимиз керак”, деган саволга Ўзбекистон халқи Каримов диктатурасига қарши Қўзғолон қилиш керак, деб жавоб бердик. Бундай қўзғолон натижасида диктатура тугатилиб, унинг ўрнига эркинлик, ҳуқуқ ва адолатга асосланган фуқаровий жамият қуриш мақсадга мувофиқ, дедик. Бундай эркин жамият фуқароларга сўз, фикр, эътиқод, матбуот эркинлиги, турли ташкилотлар ва жамиятларга

аъзо бўлиш, эркин сайловлар ўтказиш, уларда раҳбарларни сайлаш эркинлиги беришини таъкидладик. Бу эркинликларни амалий ҳаётга қандай тадбиқ қилиш ҳақида ҳам қисқа мулоҳазалар билдирдик. Энди, масаланинг охириги қисмига ўтайлик: Бу Мисрда ва Тунисда амалга оширилган халқ қўзғолонни Ўзбекистонда қандай амалга оширамиз, деган масаладир. Бундай қўзғолонни ватанимизда амалга ошириш учун аввало уни бошқарадиган сиёсий куч, яъни ташкилот бўлиши шартдир. Бундай ташкилот ўз фаолиятига халқимизнинг эътиқодий ва миллий қадриятларини, мусбат умуминсоний қадриятларни (сўз, матбуот, сайлов эркинлиги ва ҳк) асос сифатида олиши керак. Яна бундай ташкилот жамият тараққиётининг ҳар қандай ҳаддан ошишлардан узоқ, ўрта, мўътадил йўлини танлаши керак. Бундай ташкилотнинг фаолиятларини ўзaro маслаҳатлашиш билан олиб борадиган кадрлари, мамлакатимизда ва хорижий давлатларда танилган раҳбари бўлиши керак. ЎХХ муҳолифат ичида мана шундай талабларга жавоб берадиган асосий ташкилотдир. Ўзбекистонда Халқ Қўзғолонини амалга оширишнинг иккинчи шarti эса халқимизнинг илғор тоифаларининг (зиёлилар, талабалар, фермерлар ва ҳк) ЎХХда бирлашиб, қўзғолон учун қулай вақт келиши билан уни амалга оширишларидир. Бундай қулай вақт учун шартлар етишиб келаётгани ҳаммага маълум. Бу шартларга мисол сифатида Ўзбекистон ҳукуматининг зулм ва порахўрлик батқоғига ботиб, бошқарувни қўлдан чиқара бошлаганини, бундай зулм сиёсатидан халқимизнинг ниҳоятда норозилигини, кадрларнинг қатоғон қилиниши натижасида мамлакат бошқарувида поракандалик бошланганлигини, нарх навонинг ошиб бориши халқни янада кўпроқ ғазаблантираётганини, ЎХХ тарғибот ва ташвиқотларининг Ўзбекистон аҳолиси ичида оммавийлашиб бораётганини кўрсатишимиз мумкин. Демак, Каримов диктатурасидан қутулишни истаган инсонларимиз ЎХХ дастури билан яхши танишишлари, уни билмайдиганларга ҳаракатимиз фаолиятини таништиришлари ва бу йўлда бирлашишлари керак бўлади.

*Намоз Нормўмин,
ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси*

ИАК ГА ТИЛАГИМ



Истагим Ҳақдан, абад
мотамсаро қилсин сани,
Зулму жабринг, бошинга
битмас бало қилсин сени.
На тушингда, на ўнгингда,
ҳаргиз ором бўлмасин,
Доимо, қайғу юрак бағринг
адо қилсин сени!
Халқни хор айлаб сени
қанжиқларинг даврин сураб,
Зурриётингни шу дунёда,
гадо қилсин сени!
Сен зулм қилган ғариблар
оҳу бирла ноласи,
Ҳаққа етсин!
Оқибат юзинг қаро қилсин сени.
Фиръавн Намруд билан,
Дўзахда мангу бирга бўл,
Қисматинг мангуга
оҳу-ҳасрато қилсин сени!
Ёлғиз Аллоҳ ҳаққи, бу қонлар
сени тинч қўймасин,
Ҳеч туганмас дарду ғамга,
мубтало қилсин сени.
Дунёда берди сенга
қасру сарой кошоналар,
Оқибатда манзининг,
ўтдан бино қилсин сени!
Сенга Аллоҳнинг ғазаб
ва лаънати бўлсин тамом,
Бошқаларга қисматинг
ибратнамо қилсин сени!
Ўлгунингча тавбаю-иймон
муяссар бўлмасин,
Нақди умринг, куфр йўлинда
фидо қилсин сени!
Қодир Аллоҳ қудратига
зарра шубҳам бўлмағай,
Барча қилган зулминга,
лойиқ жазо қилсин сени!
Сен ўзинги ҳам Худо деб
ўйладинг, эшшакфаҳм,
Манзининг мангу жаҳаннам
ичра жо қилсин сени!
Саҳвий истайдир санга
ҳар икки оламда жазо,
Молу-мулки, тахту-бахтингдан
жудо қилсин сени!

Саҳвий

КАРИМОВ ЭНДИ ХАМ АВТОМАТДА ҚИРА ОЛАРМИКИН?



Қаттол мустабидни даф қилиш – нажот топишнинг ягона йўли экани ойнадек равшан.

Бирок биз “ўзвай”лар (1885 йилда туғилган бувим раҳматли ҳеч қачон “ўзбек” деб талаффуз қилмай, негадир “ўзвай” ёки “ўзба” деб талаффуз этардилар. Йўқса ота авлодим ҳам она авлодим ҳам кип-қизил (ёки ғирт ўзбеклардан) унча-мунча орияти бор халққа ўхшаб, намойиш қиладиган бўлсак, бу диктатор халқни битта қўймай автоматда қириб ташлашига шубҳа йўқ деб ўйлаймиз.

Энди ҳам автоматда қира олармикин?

Йўқ... Менимча, муносиб уюша олсак, қиришга ҳадди сиғмайди. Ҳадди сиғса-да, амалга ошира олмайди... Нега?

Биринчидан : Одатда бу тоифа махлуқлар ўтакетган кўрқок бўлишади. Ҳокимият унинг учун ягона нафас олиб турувчи ҳаёт манбаи. Ҳокимияти қўлдан кетган лаҳза унинг жони ҳам узилади (иншооллох, ўша дамлар келса, у ҳатто ўз оиласини ҳам ўйламайди).

Буни у бутун томири билан ҳис қилади, буни биз билишимизни ҳам билади. Халқини автоматдан ўтказадиган даражада кўрқоқликдан туғилган ваҳшийлик, унинг жон талвасасида жон сақлаш инстинктидир. Унинг бошқа чораси қолмаганини биз ҳам биламиз. Андижон воқеаларидаги интервьюсини ёдингизга солай. Ўшанда унинг ранги кесакдан баттар салкам ўлик тусига кирганди. Йўқса, унинг қуролли кучларига қарши, нари борса, 20-30 азамат ва улар ортида 10-15 минг хотин-халаж турганди. Интервью чоғида гўё қурбонлар бўлганидан ўзини ачиниб кетаётгандек кўрсатмоқчи бўлаётганида, аслида “энди нима бўлади?” деган чексиз кўрқув башарасида яққол сезиларди: “Қилганинларни қилдинглар, бўлди, энди автобус берайлик, истаган тарафингларга кетинглар, дедик” Бўзариб кетган башара, овозидаги сохта майинлик, гўё “бир муштипар бечора бўлсам, мендан яна нима истайсиз?”, оҳангини берарди. Зеро қирғинчилари ёнига боргач бир юмалаб оғзидан ўт пурковчи аждар киёфасига кириб, нима хунар

кўрсатгани маълум. Шундай экан, унга қарши 2000-3000 минг киши қурол билан рўбарў турса, нима ҳам қила оларди? “Қиринглар” дейишга тили айланмай, қочиш пайига тушиши мумкинми? Мумкин.

Иккинчидан: Тили айланди ҳам дейлик. Бирок Андижонда ўзи қилган қирғинни Алматовдек кўппагига юклаб қўйгач, оқибат кўппак нима бўлди? “Обширный инфаркт.” Хўш, келажакдаги қирғинни амалга оширмоқчи бўлса навбатдаги “номзод” Алматовнинг ахволига тушишини билмайдими? Етти пушти лаънатга қолишини билмайдими? Жуда яхши билади... Шундай экан, “янги номзод”нинг ҳадди сиғмаслиги мумкинми? Мумкин.

Учинчидан: Уни ҳам йўқотадигани қолмаган дейлик. Буйруқни бевосита амалга оширадиган командирбаччалар-чи? Оддий аскарлар-чи?

Хавфли омилар:

Тожикистондан келган каллакесар тўдаси. Ота-она тарбиясини кўрмай болалар уйда ўсган падарлаънат “тўда”сига ўхшаган бераҳм газандалар. Ҳақ билан ботилни ҳали ҳам ажрата олмай юрган бошқа харбийлар, четга кетганларнинг ханузгача бир-тан бир жон бўлмаганликлари. Буларни бартараф этиш омиллари: мустаҳкам иймон эгаларининг юртдан узоқ вақт қувғинликда чексиз алам ва изтиробда эканликлари, биринчи имкониятдаёқ бор кучи, бутун аламу-нафрати қаттолга қарши курашга бениҳоя мислсиз туртки-куч беради. Шунга монанд тайёргарлик кўрган бу алплардан биттаси ғоясиз ва мақсадсиз мустабид аскарларининг 50-60 тасига қарши тура олади. Ўзбекистон Қуролли кучларининг аксарияти мамлакатни аянкли аҳволда қолганини яхши билиб туришибди. Халқ оёққа турганда, улар халқ тарафга ўтиши эҳтимоли кучли. Энг муҳими, адолат тантанаси учун Ўзининг розилигига эришиш учун зулмни йўқ қилишга тўғридан-тўғри боргани Аллоҳ шаксиз қўллайди. Яна қайдам, бир ожиз банда сифатида қўйган ташхисим бу.

Тошкентлик С

P.S. Интернет орқали жуда чиройли фикрларни тинимсиз айтаман-у, лекин уни халққа етказмаймиз. Бу “ити аразлайди, эгаси сезмайди” деганга ўхшаши гап. Арзигулик ҳар бир мақолани асосан четдагилар анонй қилмай ичкаридаги яқинларига етказишлари керак. Ичкаридагилар ҳам жа озгиларига толқон солиб юрганлари йўқ.

ОЛОМОН ҚЎРҚОҚЛИГИ



Бугун бир танишларимнинг ундовига қизиқиб футболга боргандик.. Тўғриси ўзи телевизорда курсатса ҳеч ҳам қизиқишим йўқ. Нимагадир уларнинг гапига қизиқдим, яна тўғрироғи бирон қизиқарли нарса чиқиб қолар деб боргандим. Борсам аҳвол ундан ҳам “қизиқарли” экан. Яъни, Футбол Чорсу бозори атрофидаги Жар стадионида бўлиб ўтди.. Билет нархи бир кишига 20 минг арзони 25 қиммати ахир бир уйланг бунақа нарҳда мухлислар қанақа қилиб кирсинлар. Уртоқларим мана ҳа демай биринчи тайми тугаса мана очиб юборади текинга кирамиз деб, бироз кутишимизни айтди.. Ҳа майли деб, гап – гап қилиб турдик. Ишонсангиз ташқарида 100 дан ошиқ балки ундан ҳам кўпдир одамлар ташқарига қолдилар. Мелисалар эса бизларни худди подани хайдагандек хайдашарди. Шунда бир ёши тахминан 35 лардан ошган йигит баланд овозда бақирди бизларга қарата... Эй Ўзбек халқи қачонгача бизларни қўй подасини хайдагандек хайдашади... ахир биз футболга келган мухлислар бўлсак, айбимиз камбағаллигимизми? Яъни, 25 минг тўлолмай стадион ичига қира олмаслигимизми??.. деб, қани Ўзбекистон командаси учун ташқаридан туриб бўлса ҳам қувватлайтик. Қани бир дам бўлиб, мелисалар деворини бузайлик ҚАНИИИИИИИИИ ОООоооЛFFFFfга... деганда ҳеч кимдан чурқ этган овоз чиқмади. Уни эса дарррррооов олиб кетишди.. Ҳаттоки чиптичиларга мана футболни иккинчи тайми ҳам бошланай деп қолди... ҳеч бўлмасам 5 мингдан сотинглар билетларни... кирайлик стадионга деб одамлар ҳоли жонига қўйишмади чиптачиларни... мелисалар ташқарида қолган барча камбағал 25 минг тўлолмаган мухлисларни қўйнинг подасидек ҳайдаб тарқатишиб юборишди. Ҳозирча Тошкентдаги тафсилотлар шу. Алҳамдулиллоҳ, мелисалар сабаб мухлисларнинг қарғишига учраган команда мағлубиятга учраганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Ҳисоб 2-3 билан БААнинг фойдаси билан яқун топган.

Тошкентлик мухлисимиздан

ОЗОДЛИКНИНГ ОҒИР ЮКИ



Озодлик – елқадан қуллик юки олиб ташланганидан сўнг унинг ўрнига юкландиган яна ҳам оғирроқ бир юкдир. Бу юкнинг номи – Масъулиятдир. Бу юкнинг номи – Иймон, Виждон, Ақл, Инсоф, Тарбиядир. Озодликни ўзининг чиркин ҳисларининг озодлиги деб биладиган, ҳурликни ҳуриш деб биладиган қул зехниятли зотларнинг бу Озодлик юкини кўтариши қийиндир. Бугунги кунда томирларида ана шундай қуллик ирсияти оққан кўплаб мавжудотлар учун “виртуал дунё”- яъний, интернет бошқаларга ўз сасини эшиттиришнинг ягона усулига айланди. Фикр ва мулоҳазаларини эмас, айнан товушларини эшиттириш манбаига айланди. Зеро, бу жонзотларнинг оғизларидан чиқаётган нарсаларни фикр дейиш имконсиз, уларни кўпроқ ириллаш, хириллаш, увиллаш, вовуллаш деб аташ мумкин. Ичларида на маънавий, на диний, на маданий бир мезони ва тарбияси бўлган бу зотлар ўз бошларига тушган виртуал дунёдаги чексиз озодликдан қутуриб, атрофга ўзларининг ичидаги бутун кир ва бадбўйликни тарқатмоқдалар. “Оғиз ичбуруғиси” хасталигига мубтало бўлган бу махлуқлар лабларининг орасидан тинимисиз чиқаётган бадбўйликларни тўхтатишга ўзларида на бир диний, на маданий ва на бир маънавий мезон, тўғон топа олмаяптилар. Уларнинг лаблари орасидан чиқаётган чиқиндилар ўзларининг бўйинларига тақилган қуллик бўйинтириқларига оғир тошлар сингари тизилмоқда ва ўз соҳибларини тобора тубанга, тубсиз ўпқонга тортиб кетмоқда.

Агар одам “ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулаллоҳ” деган бир калима билан мусулмон бўлса, нега яна бир бошқа калима билан ва ҳатто “ла илаҳа...”, яъний, илоҳ йўқ” (астафруллоҳ!) деган ярим калима билан кофир бўлмаслиги мумкин? Аллоҳ инсонга сўзларни бежиз бермаган, Аллоҳ инсон оғзини ҳам унинг пастдаги бошқа органларидан фарқли қилиб яратган, яъний, Аллоҳ ўз ҳилкати вужудида бир органнинг ишини бошқа бир орган бажаришини кўзда тутамайдир. Бугун биз эса, интернет орқали кўплаб зотларнинг ўзларидаги бу органларнинг ўринларини қориштириб юборганлигига, ўзларидаги оғиз билан бошқа жойнинг фарқларини билломай қолаётганлигини кўрмоқдамиз. Оғизларидан боди кириб, шоди чиқаётган бу одамлар инсон табиатининг нақадар тубан бўлиши мумкинлигини ўлчаيدиган бир қурулмалар сингари озод инсонларга бу тубанликка тушмасликлари учун бир оғохлантириш хизматини ўтамоқдалар.

МАҚСУД БЕКЖОН,
ЎХХ Норвегия бўлими раиси

КЎРНАМАКЛАР ВА ДОЛЛАРЛАР

Охири пайтда тубан кимсалар тарафидан Ўзбек халқи шаънига ҳақорат айтиш “модаси” бошланди. Бундай насаби номаълум ва номуси бир тийинлик “инсонлар” орасида ўзларини шоиру сиёсатчи, машхуру ноёб санайдиган бетайинлар бор. Улар ўзларининг кимликларини яшириб ҳам ўтирмайдиган бўлишди. Интернет олами эркинлигидан фойдаланиб, аёл бўлса ярим очиқ, ярим сочиқ ҳолда, эркак бўлса юзидан ёғи томиб турган суратини ҳаммага намойиш қилиб, халқимизнинг хоинлигидан, одам бўлмаслигидан, қорамоллигидан ва ҳаказо ёмон сифатларидан бонг уришмоқда.

Уларга ҳамтовоқ баъзи интернет саҳифаси муҳаррирлари ҳам рейтинг (машхурлик) ортириш учун сайтларига нима келса, бир лаҳза ҳам ўйлаб кўрмасдан, оммага эълон қилишмоқда. Ҳолбуки, УЗБЕК халқига қилинган ҳақорат уларнинг ўзига, ота-оналарига ва яқинларига қилинган ҳақоратдир. Аммо бу “муҳаррирлар” рейтинг батқоғининг сассиги билан бўлса ҳам машхурликни қўлга киритишга уринмоқдалар. Улар учун ўз халқининг номус ва оридан мана шундай бетайин кимсаларнинг мақолаларини “мана сайтимизда босилди, мана биз биринчи бўлиб оммага билдирдик”, деган сохта обрў муҳимроқдир.

Аммо бу обрўни ота – оналарини ҳақорат қилиш ёки қилдириш орқали ортираётганларининг афсуски, улар учун аҳамияти йўқга ўхшайди. Бундай сайтлар билан ҳамкорлик қилаётган “истеъдодли” ёшларга эса шуни эслатмоқчи эдик: Халқингизга ҳақорат қилинаётганда жим туришингиз тилсиз шайтонликдир. Демак, сиз ҳам мана шу ҳақоратчилар ва “рейтингчи”лар билан биргасиз. Сен менга дўстингнинг кимлигини айт, мен сенга сенинг кимлигини айтмай ҳақиқати бекорга ўртага чиқмаган. Ўзингизни оқламаг, модам юзи қоралар, яъни кўрнамаклар билан ҳамкорлик қилаётган экансиз, уларга қарши бир оғиз сўз айтишга мажбурингиз йўқ экан, демак сиз ҳам Ўзбек халқига бегонасиэ...

Ҳақоратчилар эса бир неча юз доллар учун қутуриб, бир-бирининг бўғзига ёпишмоқдалар. Униси бунисига доллар ваъда беради, буниси ваъда қилинган долларни ололмагани учун Ўзбек халқини сўқади. Ҳеч бир Халқни, у ўзбек халқими, тожик халқими, қозоқ халқими умумий маънода ёмонлаб бўлмайди. Чунки бундай қилиш оқу қорани аралаштириш, мўмину мунофиқни тарозунинг бир палласига қўйишни билдиради. Дейлик, бир халқнинг ичида юзда бири инсофли, диёнатли кишилар, қолганлари эса инсофу адолатни унутган кўрнамаклардир. Бу ҳолда ҳам бутун халқни ёмонлаб бўлмайди. Чунки бу ёмонлаш шу халқнинг ичида озчиликни ташкил қиладиган яхшиларга ҳам тегишли бўлади. Қолаверса, бутун халқларни яратган ягона Парвардигор бор. Бир халқни бутунлайига қоралаш айна пайтда

оламларнинг Парвардигорига исён ҳам ҳисобланади...

Аммо инсофсиз ва диёнатсиз инсон суратидаги махлуқлар бунини тушунмайдилар. Улардан бири, номи шоир, ўзи золим бир кимса, “Мен халқимни сўксам нима бўпти, сўксам ҳам ўзимнинг халқим”, дейди. Бунинг маъноси, эй она, бозорда нон сотиб, топган долларларингизни менга бермадингиз, қанақа ёмон онасиэ, эй ота, бозорда мардикорлик қилиб топган долларларингизни менга бермадингиз, қандай инсофсиз отасиз, дея ўз ота-онасини сўқаётган кишига ўхшайди.

Қўшнилар, эй ноинсоф одам, ўзинг ийгит ёшида бўлсанг ҳам ишламасдан уйда ётсан, онанг бечора ярим тунда туриб нон пишириб, сени тўйдириш учун бозорда саргордон, отанг сени очингдан ўлмасин, дея мардикорлик билан паришон, дейишса, бу махлуқ сизларнинг нима ишингиз бор, сўксам ҳам, урсам ҳам ўз ота-онамку, дея илжаяди...

Яна унутмаслик керакки, халқ дейилганда фақат бугуннинг инсонлари тушунилмайди. Халқ яратилгандан бери халқдир. Ҳамма халқлар қатори ўзбек халқи ҳам шундай азалий халқдир. Тарихда халқимизнинг шундай вакиллари ўтганки, уларнинг исми шарифи талаффуз қилиниши билан бир миллиард киши ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб, бу зотдан Аллоҳ рози бўлсин, дейишади. Аммо наслу насаби номаълум, ўзини танимайдиган, ўзлигини билмайдиган кўрнамаклар албатта бу ҳақиқатни ҳам билмайдилар.

Қолаверса ҳозир Каримов зиндонларида ўн мингларча инсофли ва ҳақиқатпарвар инсонларимиз Ўзбек бўлгани учун, ўз эътиқодини, шону шарафини ҳимоя қилгани учун азоб чекмоқда. Эй, Ўзбек халқини сўқаётган инсофсизлар, оғизларингиздан ва қаламларингиздан бадбўй сўзлар тўкилаётганда ҳеч қурмас, мана шу зулм ва қатоғон қурбонлари ҳақида ўйламайсизларми? Яна Ўзбек халқининг миллионлаб вакиллари Каримов зулмидан қочиб, ватангадо бўлдилар. Албатта, улар орасида сизлардек насаби номаълум кишилар бўлиши мумкин. Аммо уларнинг энг камида ярми муҳожирликда яхшилик йўлини танлаган ўзбеклардир...

Сўз охирида, халқимизнинг инсофли ва виждонли кишиларига бу кунларнинг ўткинчи эканлигини, бу қоронғулик даври эрта-индин тугаб, ёруғлик кунлари келишидан умидвор эканлигимизни айтмоқчимиз. Ўзбек халқининг илму маърифатли, инсофли ва имонли фарзандлари Каримов диктатурасини тугатиш учун бутун имконларини билан унга қарши курашаётганини ҳам яна бир бор эслатмоқчи эдик. Зулм ва зулмат тугагандан кейин, қоронғуликдан фойдаланиб, халқимизнинг нонини еган ва унинг шаънини камситган кўрнамаклардан ҳисоб, албатта, сўралади...

Йўлдош Абдулла ўғли

МУҲАММАД БЕКЖОН УСТИДАН ҲУКМ ЎЗ КУЧИДА ҚОЛДИ



Қашқадарё вилоят суди Эрк партияси фаоли Муҳаммад Бекжоннинг жазосини 5 йилга узайтириш ҳақида қўйи суд ҳукмини ўз кучида қолдирди.

13 март куни Қашқадарё вилоят Жиноят суди Муҳаммад Бекжонга нисбатан қамоқхона ички тартибни бузишда айблаб, жазо муддатини беш йилга узайтириш ҳақида қўйи суд чиқарган ҳукми ўз кучида қолдирилди.

Шу йилнинг 25 январида Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги қамоқхонада бўлиб ўтган маҳкамада 12 йиллик жазо муддати битаёзган Муҳаммад Бекжон ички тартибни бузди, деган айблов билан яна беш йиллик жазога ҳукм қилинган эди.

Шундан сўнг Муҳаммад Бекжоннинг турмуш ўртоғи Нина Бекжон Эрк партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳ ўз укаси Муҳаммад Бекжоннинг озод этилишига ёрдам бериш учун катта сиёсатдан кетиши керак, деган фикрни билдирган.

Ўзбекистонлик муҳолифат фаоли Дилором Исҳоқованинг маҳбус адвокатига таяниб маълум қилишича, Муҳаммад Бекжон апелляция ҳукми асосиз, деб билади.

- Вилоят судида апелляция бўлиб ўтди ва беш йиллик ҳукм ўз кучида қолдирилди. Муҳаммад Бекжон судда иштирок этган ва шундай ҳукми кутганини, бунга асосиз, деб билишини айтган, – дейди Дилором Исҳоқова.

58 яшар Муҳаммад Бекжон 1999 йил 16 феврал кунги Тошкент портлашларига алоқадорликда айбланган. Маҳкамада ўзига қўйилган айбларни рад этган ва тергов пайтида қийноққа солинганини билдирган.

Муҳаммад Бекжон муҳолифат етакчиси, Эрк партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг укаси. Унинг жазо муддати 2012 йилнинг феврал ойида тугаб, озодликка чиқарилиши керак эди.

БАҲОР ҲАР ЙИЛИ КЕЛАДИ

Баҳор ҳар йили келади... Янгиликнинг, янгилинишнинг элчиси бўлиб келади баҳор. Ўзбеклар бу йилнинг баҳорини жуда соғиниб кетдилар. Чунки қиш қора совуқ билан ўтди. Уйлар музлади, ўйлар музлади бу йилги қишда. Совуқ суякларни имтиҳон қилди бу қиш мавсумида...

Мана яна баҳор келяпти. Умидлар янгидан тугилапти. Чунки куёш ерни истинтиргани каби, баҳор ҳам инсонларимизнинг кўнглини илитмоқда. Ажабо, бу баҳор бир янгилик бўлармикин? Ўзбеклар мустақилликдан кейин янгилик кутиб яшамокдалар. Мустақиллик янгилик эди, қутилмаган янгилик эди. Ким билди унинг келганини, ким эса билмай қолди. Чунки мустақиллик баҳори қисқа бўлди.

Бу баҳорнинг орқасидан ёз келмади одатдагидек. Қуз ҳам келмади мева ва хирмонлари билан. Мустақилликдан кейин Ўзбекистон қаҳратон қишнинг ҳавосида қолиб кетди. Совуқ ва кимсасиз кунлар бошланди Ўзбекистонда мустақилликдан кейин. Қора совуқдан титраган инсонлардан ҳар бири ўз чопонига ўранишга, ўз вужудини қўришга киришдилар. Кўчалар, жамотчилик йиғиладиган жойлар, шиорлару ёзувчилар тўпланадиган маконлар, азонлар айтилдиган миноралар ёлғиз қолди бу “қишнинг” совуғидан...

Ўрта ҳеч ким қолмади. Бир юзи тиррик ва башараси захар сочган одамдан бошқа...

Аммо баҳор ҳар йили келади... Чунки бу зolim инсон халқимизнинг бутун мавсумларини “қишга” айлантиришга уриниб келаётган бўлсада, баҳор унга итоат қилмайди. Чунки баҳор унинг лаганбордор вазирларидан, ҳокимларидан, мишрабларидан, сохта муллаларидан фарқлидир. Чунки баҳор Ўзбекистон диктаторининг истаги билан келмайди бу юртга.

Баҳор ҳар йили келади...

Баҳор қалбларга умид келтиради ва инсонлардан яхшилик уруғини экишини истади у. Яхшиликнинг бошланиши эса эътиқоддаги яхшиликдир. Зеро, эътиқодсиз инсон баҳордан бенасиб инсондир. Эътиқодсиз инсон қуриган ёғоч, сарғайган ўтдир. Уни баҳор тирилтира олмайди. Демак, баҳордан истеъфода этишни истаган ўзбеклар аввал эътиқодларини тирилтиришлари керак бўлади. Бу эса шошилмай, ҳовликмай амалга ошириладиган ишдир. Ўзбеклар бу соҳада аччиқ тажрибага эга бўлдилар бу баҳорсиз йилларда. Чунки бировлар “халифат”, бошқалари эса “жиход”, дея ўринсиз бақирди. Ҳолбуки, эътиқод аввало маърифатдир ва унинг илк амри “Ўқи” дир. Орзумиз, бу баҳорнинг ўқиш йили бўлишидир. Чунки қалблар “Ўқи” амрини берган Зотнинг кимлигини ўрганиш билан тирилади... Қалбларнинг тирилиши шуурнинг ва фаросатнинг тирилиши билан давом



этади. Бу билан ақл болиғ бўлади, инсон тафаккури тараққиёт қилади. Инсон шу шаклда масъулиятни ҳис қилади. Ўзи учун, оиласи учун, миллати учун, ватани учун, ва ниҳоят Ҳақ учун масъулият эгаси бўлади инсон. Масъулиятли инсон нафсини жиловлайди, худбинлик унга бегона бўлади. Шу шаклда ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қиладиган инсонлар кўпайиб боради жамиятда. Бу эса сўз ва фикр эркинлигининг хавфсизлигини таъминлайди. Чунки эътиқоди соғлом ва тараққури очик инсон бошқаларнинг ҳам сўз ва фикр айтишидан қўрмайди, аксинча бошқаларнинг ҳам ўзи каби ҳуқуқлари борлигига ишонади у. Шу шаклда маслаҳатлашиш, муаммоларни умумий тушунча, умумий “ақл” билан ечиш муҳити пайдо бўлади...

Баҳор ҳар йили келади...

Баҳор ҳамманинг мавсуми, аммо аввало деҳқонларнинг мавсумидир у. Бир зolim бутун ихтиёрларини қўлидан олган ва диктатура қулига айлантирилган деҳқонларнинг мавсумидир у. Баҳор келиши билан нима қилишини билмай турадиган инсонлар топилади албатта. Аммо деҳқонларнинг табиати баҳорнинг фитратига мосдир. Чунки деҳқонлар ҳам баҳор каби эркин бўлишни, баҳор меваларини эркин етиштиргани каби, улар ҳам маҳсулотларини эркин етиштириб, эркин соғишни истайдилар. Баҳорни, эркинликни энг кўп соғинган, энг кўп истайдиган тоифа шубҳасиз деҳқонлардир. Чунки дастурхондаги неъматлар уларнинг меҳнати эвазигадир. Шундай экан, эркинлик тўрининг эгалари бўлишга ҳам ҳақлидир деҳқонлар... Баҳорнинг асл исми баҳордир, аммо унга яхши ният билан “Араб баҳори”, исмини ҳам бердилар. Майли, мадом ният яхши экан ва асосийси бу баҳорнинг меваси ширин экан, унинг исмига илова қўшишда зарар йўқдир. Зеро, баҳор дунёнинг ҳар бурчагига келади. Биз бундай баҳорнинг ўзбекларга ҳам, тожикларга ҳам, туркманларга, қозоқларга ҳам, афгонларга ҳам, умуман дунёнинг барча халқларига ҳам келишини истаимиз. Биз инсон баҳорини, инсонийлик баҳорини интизорлик билан кутмоқдамиз... Ҳуш келдинг, эй яхшилик ва тирилиш мавсуми!!!

Абдурахмон Муҳаммад



Бир йигит менга фаесбок орқали чикиб баъзи саволларни берди. Унинг менга Пала партиш тушунтиришича унинг Ислон динининг ҳақлигига шубҳаси бор экан. Ўзини мусулмон эканига ҳам ўзи ишонмай қолаётган экан. У ўлим келиб қолишдан аввал ўзини ўнглаб олишни истар экан. Аммо, тўғри йўлни тополмай ҳайрон экан.

Уни саволларининг биринчиси қуйидагичадир: (Саволлар ўзгартирилмасдан берилмоқда)

1. nega u yoki bu shahs bir dinga mansub boladi, shunaqa tugilganigami yoki shi din hammasidan ustun boganigami, haq boganigami nima asosda. bir dinsiz dindor bomoqchi qo tacha kotta dinlar yonida turibdi qaysi birini nima asosda tanli

Менинг жавобим шундайди:

Имон тақлидий бўлиши мумкин. Кейин инсон онгли суратда қабул қилган бўлиши мумкин. Ҳар иккаласи ҳам мақбул ҳисобланади. Тақлидий имонга мисол шуки, кимнидир ота-онаси ёки бирор шахсни ўзи мансуб бўлган халқ мусулмон бўлса, уларга эргашиб у киши ўзини мусулмон санаса асосан шу қабилар тақлидий имон келтирган ҳисобланади. Бундайлар бугунги Ўзбекистон аҳолисининг деярли ҳаммаси десак ҳам бўлаверади.

Энди, кимки илм ўрганиб ўз имон этикодини ўзи илмий мантиқий жиҳатдан тасдиқлай олса, бу одам илмий ёки ақлий ёки таҳқиқий имон келтирган бўлади. Баъзилар кейингиси имон учун шарт деган иддаони қилишган. Лекин ислом оламининг салафу халаф олимлари тақлидий имоннинг ҳам дурустлигига иттифок қилишган.

Энди бир динсиз дин танламоқчи бўлса, албатта ақлга ва қалбига қулоқ тутати. Ақли тан олиб қалби таскин толмаган нарсани инсон қабул қилмаслиги мумкин.

Аммо, Ақл ва қалб асосий омил ҳисобланмайди. Аллоҳнинг тавфиқи ҳидояти асосийдир. Яъни, Аллоҳ бир бандасини шу Ўзи рози бўлган Ислон динига йўллаб қўймаса, демак фақат ақли борлигини ўзи кифоя қилмайди. Ақлнинг ўзи кифоя қилмаслигига кўп нақлий ва ақлий далиллар бор. Атеистлар, Буддистлар, Яҳудийлар ва Христианлар ичида кўп ақлли турли

БИР САВОЛГА ЖАВОБ

соҳаларда профессорлар бор. Улар аҳмоқ одамлар эмас. Ақли билан танлаб кирган ўша динига. Лекин ақл уларнинг бирини Худосиз, бирини Худони учта деб билувчи, бошқасини бутга сиғинувчи бўлишига олиб келган. Улар фақат ақлини ўзи билан тўғри йўлни топаолмадилар. Ва ҳаказо.

Хуллас, Ўзбекистонда туғилган ўзбекнинг фарзанди ақл билан Аллоҳни танимаган бўлсада, ҳатто шаҳодат калимасини кимнингдир олдиға бориб гувоҳлар ҳузурда ошқора айтмаган бўлсада, урф бўйича мусулмонлар орасида туғилиб яшаётган бўлса, ва ўзини мусулмон ҳисобласа уни мусулмон деб таниймиз.

Ва ундан алоҳида имон келтириш талаб қилинмайди.

2. adolat bormi bu dunyoda.

Адолат борлиги масаласи бу дунёда нисбийдир. Адолат бу дунёда икки хил кўринишда намоён бўлади. Умумий суратда Илоҳий адолат бор. Бу инсонларга боғлиқ бўлмаган воқеъа ҳодисаларга тегишлидир. Яна инсонлар орасидаги муомалаларда адолат меъёри бор. Бу меъёр нисбатан ихтилофлидир. Баъзилар наздида адолат бўлиб кўринган нарса, бошқалар наздида адолат эмасдек туюлади. Лекин, умуминсоний адолат тушунчалари ҳам бор. Айни ўша, инсонлар аро муносабатларда адолат қилишлик инсонларнинг ўз ихтиёридаги ишдир. Бу ишларга инсонлар ўзлари жавобгардир. Албатта, бу муносабатлардаги адолат ер юзида тўла мавжуд эмас. Буни ҳамма кўриб билиб турибди. Менимча сиз ҳам буни билсангиз керак.

3. nega islomda etilgan kop oyat va suralar togrri kemayapti bismilloga qaytamis, man taqvodor bolib yurgan yillari hayorimdagi eng iflos yillar boldi, hor zor boldim, namozni tashagach esa ish topdim, sal ishlar yurishdi, ichishgayam majbur boldim, bir qarang

Яъни, бу ерда сиз айтишингизча Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан деган калимадаги Аллоҳнинг исми сифатларига Мехрибон ва Раҳмли зот эканига ишонмаётган экансиз. Сабаби эса тақводор пайтингиз хор-зор бўлибсиз, намозни ташлагач иш топибсиз. Бу ўлчов жуда соддалик деган бўлардим. Аллоҳ бизга Ўзининг Исми ва сифатларини Қуръон орқали танитди. Улардан бири Раҳмон яъни, Мехрибон Зот эканлигидир. Аллоҳнинг бу сифати оламдаги барча махлуқотга яхшилик қилувчи Зот деганидир. Яъни мўмину кофир барча инсонга

ва ҳайвоноту наботот хуллас, бошқа барча махлуқотларга яхшилик қилувчи деганидир.

Аллоҳнинг бу улғу сифати туфайли бу олам мавжуддир. Ва унда ҳаёт намоён дир. Шу сифат туфайли сиз дунёда мавжудсиз ва инсон бўлиб яралгансиз. Шу сифат туфайли сиз кўр, қар, соқов, шол, чўлоқ, мажруҳ эмас соғлом, ақлли ҳушли инсонсиз. Шу сифатидан сизга насиба етмаганда сиз менга бу саволларни бермаган ва умуман беролмаган бўлардингиз.

Бу сифатидан насибадор бўлмаган махлуқотнинг ўзи йўқ.

Раҳим сифати эса раҳм қилувчи ёки раҳмат қилувчи деганидир. Бу сифатидан насиба олиш фақат Аллоҳнинг Ўзи рози бўлган мўминларгагина насиб этажак. Аллоҳнинг раҳматидан кофирларга насиба йўқдир.

Энди сиз ишсиз қолсангиз бу дегани Аллоҳнинг Мехрибон эмас деган маънони билдирмайди. Сиз ҳаётда учраган турли хил синовларни сабр билан ўтаб боришга буюрилгандингиз. Сиз тақводор бўлсам ишларим юришиб пулим кўпайиб кетади деб ўйлаган бўлсангиз аввал бошдаёқ хато қилибсиз.

Намоз ўқиган учун бу дунёда мукофот ваъда қилинмаган. Ўқимаганлар ҳам юришибди бемалол. Намоз учун мукофот ёки жазо охиратда бўлади. Агар охиратга ишонсангиз.

Дунёдаги ҳар хил оғирлик машаққатлар уч турда бўлиши мумкин.

1. Имон учун синов.
2. Умумий келган бало.
3. Қилган айбу жиноятга жазо.

Сиз ишсиз қолган учун тақводор бўлганингизни эмас, балки тепангизда ўтирган Золим режимни айбдор санасангиз анча тўғри бўларди. Чунки халқни оч яланғоч ва ишсиз пулсиз қолишига иқтидордаги ҳукумат жавобгардир. Нимага сиз бу ҳақида ўйламадингиз? Тақводор бўлганим учун кийнаиб кетдим, демак, бу дин тўғрима экан деган фикрга бориб қолдингиз. Пулингиз кўпайиб кетса, дин тўғрию, камайиб қолса хато бўладими?! Сизнинг динга кириб тақводор бўлганингизга менинг шубҳам бор.

Сиз менга савол бериб астойдил жавоб сўраганингиз учун буларни ёздим. Аслида, бу каби саволларнинг жойи, кимдир ўтириб, вақт ажратиб жавоб берадиган савиядан анча пастдадир. Мен сиз каби фикрловчиларга ҳам бир насихат бўлсин деб умид қилдим. Жавобларим тўғри бўлса Аллоҳдан, хато бўлса менадир. Аллоҳ ҳаммамизни ҳидоятга бошласин.

М. Абутов.

РАСМИЙ ЁЛҒОНЛАРГА ЎЗБЕКЛАР МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ?

Маълумингизким, Ўзбекистонда бу йил “Оила мустаҳкамлиги йили” деб аталади. Буни билмайдиган ўзбек оламда бўлмаса керак. Чунки ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини, 8 декабрда янги келаётган йилни нимагадир бағишлаб юбориш ҳукуматимизга ва айниқса президентимизга ҳосдир. Йилни нимагадир аташ айни ўша соҳанинг ривожланишига сабаб бўлмоғи лозим эди. Бироқ Ўзбекистонда ҳамма нарса ва ҳар қандай қарорлар, ҳаттоки қонунлар ҳам тескарисига ишлайди. Бунга халқ ҳам кўникиб қолган.

Ўзбекистонда бу йилнинг оила мустаҳкамлиги йили эканлигини билмайдиганлар йўқ деб таъкидласак-да, эшиттиришимиз респондентларидан бирининг таъкидлаганига кўра, буни билмайдиганлар топилаётган.

- Ҳеч ким ўқимаса ҳам керак. Мисол учун мен бу ерга келган мардикорлардан сўрасам, бу йил Ўзбекистонда оила йили экан, ота-оналар йили экан десак, ростдан ҳам шунақа эканми, қаердан эшитдингиз? деб тураверади. Бу кўзбўямачиликга қилинган нарсалар кў”, – дейди ўз исмини билдиришни истаманган Россияда яшаб келаётган ўзбекистонлик ватандошимиз.

Демак, бу йил Оила мустаҳкамлиги йили экан ва бу йилдан нималарни кутиш мумкин? Албатта кўплаб оилаларнинг бузилиши, аёлларни туғмас ҳолига келтирилиши, албатта қанчадан қанча оилаларда террорчилар “чиқариш” ва ҳақозо, ҳақозоларни. Йил сарҳисобини одатдагидек, йил якунига бориб қилинади. Лекин йил якунига бориб эса, ҳукумат доимгидек бу йилда ҳам эришилган кўша-кўша ютуқлар ҳақида лоф-қоф урмай қолмайди. Бу сингари кўзбўямачиликни нима учун қилади? Россиядаги ватандошимиз куйидагиларни таъкидлади:

- Одамларни салгина бўлса-да, ўша соддароқ одамларни чағғитиб туриш қилинади бу ишлар, яна, маҳалан халқаро жамоатчилик бор. Ушларга ҳам кўрсатиб туриш керак”.

ЎЗА ахборот агентлигининг 14 мартда тарқатган хабарларига кўра, оддий суғурта ҳам оилани мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаркан:

<http://uza.uz/uz/business/21065/>

“Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компаниясида “Мустаҳкам оила” Давлат дастурига мувофиқ “Оила ва жамиятни мустаҳкамлашда суғуртанинг роли” мавзuida семинар бўлиб ўтди”, – деб бошлайди ЎЗА ва унинг қачон ва неча кун давом этганлиги ҳақида агентлик чўрқ этмайди.

Каримовнинг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарориди жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда

қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилган” – дейилади ушбу хабар давомида.

Автократик бошқарувга асосланган ҳамма мамлакатлар каби, Ўзбекистонда ҳам ҳукумат раҳбарининг сўзларидан илҳомланиш, унинг номини ҳар бир хабарда келтириб ўтиш шарт ва акс ҳолда хабарчининг ҳолига маймунлар йиғлайди. Айниқса, гап Оилани мустаҳкамлаш йили давлат дастури устида бораётган бўлса. Мустаҳкам оила дегани нима? Дастуриимизнинг навбатдаги меҳмони, Ўзбекистон Эрк демократик партияси бош котиби Отаназар ака Орипов бу борада фикр билдиради.

- “Ўзимнинг тушунчаларим бору, лекин ҳозир, мана “Мустаҳкам оила” йили деб эълон қилаётиб, ҳукумат мустаҳкам деганида нимани назарда тутганини мен ҳам билмайман. Оиланинг мустаҳкамлини нима билан ўлчанади, нима билан ўлчамокчи эканини билмайман, лекин баъзи шубҳалар бор. Шу пайтгача оила мустаҳкамлиги ҳақ деган тушунчага қарашларини кўриб келаяпмиз. Оилани режалаштириш, кейин баркамол шахс етиштириш, баркамол инсон етиштириш каби тушунчаларни ҳар ким ўзи тушунчасига ва эътиқодига кўра тушунади. Аммо ҳукумат бунни қандай тушунади, буни очик-ойдин айтилган жойи йўқ”, – дея изох билдирди О.Орипов.

Баркамол авлодни етиштириш деган мавҳум бир ғоя кўпларнинг бошини қотирса керак албатта. Бу жумла нима маъно касб этади ва уни қандай тушунса бўлади. Респондентимиз бу борада ҳам ўз нуқтаи назарини келтириб ўтди.

“Бу жуда катта ва муаммолик тушунча. Бу тушунча албатта дунёқарашга боғлиқ. Ҳар кимнинг бу оламда ўз ўрни ва вазифасини, нима учун бу дунёга келганини қанақа тушунишига қараб баркамолликни ҳам, ҳаттоки ҳаётидаги мақсадларини, бош мақсадини ҳам ҳар ким ҳар хил кўяди”, – деб таъкидлайди О.Орипов.

Оиланинг мустаҳкамланишида суғурта идоралари қанақа роль ўйнаши мумкин?

Бу саволимизга эса куйидаги жавобни олдик: “Суғурта идораларининг Ўзбекистонда катта бир ассоциацияси бор. Суғурта компанияларининг иши билан яқиндаги таниш эмасман. Лекин дунёда суғурта муаммосининг кўйилишидан мен қаноатланмайман. Бунда ҳам худди бошқа соҳаларда бўлгани каби, фибригарлик ишлари жуда кўп. Суғуртанинг оилани мустаҳкамлашда қандайдир бир роль ўйнайди хусусидаги саволингизга

жавоб бера туриб, ҳеч қандай роль ўйнамайди деб жавоб бераман”. Албатта Ўзбекистондаги авторитар режим ўрнатилибди-ки, у мамлакат фуқароларини турли найранглар билан алдаб келмоқда ва ўзининг уфқ ортидаги қандайдир бир маррани кўзлагани, ҳамда халқни ўша марра томон элтаётганига ишонтиришга уриниб келади. Даврлар ўтгани сайин, инсон онги ҳам ўзгариб боради ва эндиликда эса халқ ҳукмдорига мутлоқ ишонмай қўйган. Бироқ ахборотларда ҳали ҳамон давлат сиёсатини бежирим қилиб, зар қоғозга ўраб кўрсатилинади.

Чекка қишлоқдаги замонавий мактаб

<http://uza.uz/uz/society/21063/>

Фарғона вилояти Олтириқ тумани Повилғон қишлоғидаги 38 умумтаълим мактаби 2008 йили таъмирдан чиқарилиб, замонавий усулда жиҳозланган. Чекка қишлоқда жойлашган мактабда ўқувчи-ёшларнинг чуқур билим олиб, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришни учун шарт-шароит етарли. Фан ва лаборатория хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Албатта бу каби жумлаларни ўқиркан, ҳар бир ўзбекистонликнинг кўзи ўнгида далаларда ҳали ғўзани чеканка қилаётган ва ҳали пахта тераётган ўқувчи ёшлар гавдаланади. Мактаб ўқувчилари учун бу ҳам кам экан шекилли, энди улар мамлакатимиз индустрияси учун темир-тераск йиғишга ҳам сафарбар қилинмоқдалар. Шаҳар кўчаларини тозалаш, истироҳат боғларидаги тез-тез бўлиб турадиган шанбаликларку азал-азалдан давом этиб келаётган ҳол. Хўш, Ўзбекистон ҳукумати замонавий мактаб деганда нимани тушунади ва ёшларнинг билимлик бўлишини истайдими ўзи? Қозғистонда яшаб келаётган ўзбекистонлик олимлардан бири Ботир ака Норбоев навбатдаги суҳбатдошимиз.

“Ўзбекистонда ўқишлар ҳам ўлда-жўлда. Тўққизинчи синфгача бўлган ёшлар орасида жиддий ўқиётганлар кам”, – дейди у, – “ёшлар орасида саводсизлар кўпайибти”. Респондентимиз таъкидлаганига кўра, ўзбекистонлик ўқувчиларни Қозғистонда ҳам, тагин ўқиш даврида учратиш мумкин. “Улар директорларига ўн минг сўм бериб қўйиб, ўзлари бемалол юришларини таъкидлайдилар”, – дея суҳбат беради Ботир Норбоев.

Юқорида Ўзбекистон Ахборот агентлигининг иккитагина хабарига муносабат билдирдик. Бу сингари ёлганлар ватанимизда ҳар кунини эфир тўлқинларини тўлдириб элга томон окизилмоқда.

Юрт келажаги ҳозирча ёлғончининг қўлида. Эртаги кимда бўларкин, бугун бунини халқ ҳал қилиши лозим. У истаса ёлғончи ўз ҳукмронлигини давом эттиради, агар истамаса юртда ҳақиқат қарор топади.

**Тўлқин Қороев,
Туркистон ТВ радиоси**

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Гулнор академияга ҳар кун келиб кетса ҳам, илмий ишни ёзсинми йўқми, бир қарорга келмаганди. Мутолаа ҳам жозибасини йўқотганди. Китобларни ярмигача ҳам ўқимай, четга отарди. Қорлиғашев бир неча марта келиб, ундан фойдалана олмаслигини англагач, келмай қўйганди. Гулнор фақат Комил Эркин билан суҳбатлаша оларди, унинг суҳбатларигагина кўнглига тасалли берарди. Комил сархушлик қуввати билан жасоратли нутқлар айта биларди, оғзига нима келса сўйларди ва ҳеч ким унга тегмасди. Бир окшом Комил Эркин: –Гулнор, сенинг кўринишинг яхши эмас. Ишдан рухсат олиб, бир ерларга кет! Сокин бир ерда дам олсанг, ўзингга келарсан балки, – деди. –Ўйлаб кўрай, Комил ака, – деди Гулнор ва икки кундан кейин ярим ойлик рухсат олиб, қишлоқдаги қариндошлариникига кетди. Гулнор кундузлари боғда айланар, кечалари юлдузларни томоша қиларди. Қишлоқда тез-тез эсига тушган одам Одил Турсунов бўлди. Хипча, узун бўйли, кибор юзли ёш йигит. У ҳибсага олингандан сўнг дараксиз кетди. Уни Москвага олиб кетишган, деган гап чикқанди. Одил ё ўлдирилганди... ёки қўйиб юборилган. Қўйиб юборилгандан кейин Ўзбекистонга келмаган бўлиши мумкин. Бу ҳолнинг ўлимга тенг эканини ўйлади Гулнор. Бир одамнинг ҳаётини тамоман ўзгартириб, бошқа шахс сифатида янги ҳаёт бошлаши ўлим билан тенгдир. Реакарнацияга ўхшаган нарса. Ўлган одамнинг руҳи бошқа бир одам танасига кириши... Гулнор муқаддаслик ҳақида кўп ўйлаганди. Пайғамбарлар каби Будда роҳиблари ҳам, ҳатто шомонлар ҳам ўзида қандайдир илохийлик ташиган бўлишлари мумкин. Буларнинг ҳаммаси бугунги ибора билан айтганда инсонларга бахту-саодат беришга бел боғлаган идеалистлар (улкучилар) эди. Гулнорнинг фикри ўз-ўзидан Анвар Муродга йўналди. У ҳам улкучи эди, у ҳам ўзида бир муқаддасиёт ташир эди. Аммо вафосиз инсонлар муқаддас бўла олмасди. Гулнорнинг фикри Анвар Муродга такалса, доим ўзининг унга нисбатан вафосизлиги эсига тушарди. Анвар Муродни Туркияда кўрмай кетганини ҳеч кечиролмасди. Баъзан “кўрмаганим яхши бўлибди, Қорлиғашевга

ГУЛНОР (роман)

айтадиган гапим бўлмади”, деб ўзини овутса ҳам, ўзини вафосизликда айблашда давом этарди.

Анвар Мурод каби одамлар ҳар турли изтироб ва азоб-уқубатни тортишга ҳозир, ҳатто бунга истакли эдилар. Бу уларнинг яратиши қонуниятидан келиб чиқарди. Анвар Мурод ғурбатда экан, Гулнор ҳеч ўйламасдан Мармариснинг гўзал сувларига шунғий олганди. Ўғузнинг ҳаёли билан Мармарисга чопиб борган ва севгилиси ёнида бир ҳафта яйраганди. Аммо Ўғуз дунё гўзали Ойдон хоним билан Америкага учиб кетишда ҳеч иккиланмаганди. Қизик, шу чақнаётган юлдуз Флорида билан Фарғонадан бир хил узокликдами? Ҳеч бир сир бу юлдузлардан яширин қолмас керак. Шу кичик ер қуррасидаги воқеаларнинг миллион йиллик гувоҳлари эди бу юлдузлар. Ҳозир ҳам улар Ўғузни кўриб тургани шубҳасиз...

Ётоғидан сийрилиб, ерга оёқларини қўйди. Мовий атласдан бичилган тунги қўйлаги енгил хилпирарди. Қоп-қора сочлари ёйилиб, бир тутам кураклари орасида тўлқинланарди. Бошқа бир тутами оппоқ сийналари узра ёйилганди. Ётоқ кеча окшом ётган ётоғи эмасди. Бу юксак ва кенг, устини олтин рангли кўрпа уртган нотаниш ётоқ эди. Гўё ҳавода муаллақ турарди. Гулнор яшил нигоҳи билан атрофга боқди. Бу ер унинг уйи эмасди. Бу ер жоме катталигидаги чодирга ўхшарди. Деворларига гиламлар осилганди. Уларнинг сатҳига осмон харитаси нақш этилганди. Чодирнинг катта куббаси бор эди. Балки чодир ўша куббага осиглик турарди. Ғаройиб фавқулоддалик ҳоким эди ҳар ерда. Эғнидаги мовий атласни қачон кийганини эслай олмади. Сочлари ҳеч қачон шу ондагидай қора, сийналари ҳеч қачон бугунгидай оппоқ бўлмаганди. Сочлари узун ва оғир бўлишига қарамай, ўзини ҳеч қачон шу ондагидай енгил ҳис қилмаганди. Кўзларини юмди. Киприklarининг бир-бирига текканини ҳис этди. Оёғини кўтарди ва туширди, юмшоқ гиламларга ботди оёқлари. Туш кўрмаётганига амин бўлиш учун қуёш нурлари сизиб кираётган чодир эшиги ўрнидаги икки гилам тирқишига қўлини тикди ва ташқарига чикди. Омон Оллоҳим!

Бу қадар кучли нурни ҳаётида кўрмагани у! Тонг қуёшининг нурлари! Шундоқ рўпарасида турган тоғлар... Буларни аввал кўрганмиди?... Тоғлар занжири атрофни ўраган қальани эслатарди. Пахта каби булутлар қуёш нурларини сузиб, эмаётгандай эди. Буюк ва сеҳрли қўл бир ховуч сутни ҳавога сепиб юборгани гўё, нурлар нурдан янада оқарганди. Гулнор ўз вужудига тегиниб кўрди, кўкракларига, болдирлари, сонларига тўқинди. Сочларини бармоқлари билан таради. Чапак чалди, оҳанг ҳавони тўлдирди. Орқасида баҳайбат чодир, олдида муҳташам тоғлар занжири бор эди. Энди бунинг туш эмаслигига ишонса бўларди. Чўкқилар тарафдан бир сас чикди. Гўё у дунёдаги бутун сасларни ўзида тўплаб, зичлашар ва Гулнорнинг қулоғига қуюларди. Уфқнинг тўрт тарафидан келарди, Гулнорни ўзига эргаштириб кетарди. Гулнор тоғларга қараб юришга бошлади. Йўқ, бу юриш эмасди. Югуриш ҳам эмасди. Гулнор елар эди. Мовий атласдан тунги қўйлаги икки тарафда қанот каби хилпирарди. У учар экан, пастдаги майсалар унинг елидан ерга эгиларди. Гулнор чўкқилардан ошиб, бир яшиллик дунёсига кирди. Япроқларни оралади, дарахтлар орқасида тик қоялардан шаршаралар оқаётганини кўрди. Атрофда булутлар қадар юксак чўкқилар. Бу ерга қандай келиб қолди? Уни зич бир сас эргаштириб келганди. Бундан бу сас такрор эшитилди. Тик қояларга урилиб, бирлашган акс-садолар, тўпланиб, Гулнорнинг қулоқларига қуюлди. Сас манбаини изларкан, Гулнор ирмоқларнинг бирлашган ерида бир жуфт яшил кўз кўрди. Кўзлар шу қадар теран ва таъсирли эди-ки, Гулнор бир неча сония кўзлардан бошқа ҳамма нарсани унутди. Кейин ўткир тишли, тикрайган қулоқли бўрининг ўзига тикилиб турганини англади. қулоқлари ўртасида кулранг ёли қимирлаб турарди. Кейин ўша зич саснинг бу ваҳший гўзалликдаги бўридан чикқанни тушунди. Яшил водийга уни эргаштириб келган сас бўрининг увлаши эди. Лекин бу сас нега бирданига тўрт тарафдан эшитилди? Гулнор атрофга боқди, тўрт тарафда ҳам бўри бошларини кўрди. Мингларча бўри ўлиб, мингларча яшил кўз Гулнорга боқарди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Гулнор сеҳрлангандай туриб колди. Кейин бирдан айлана бошлади. Шаффоф қўйлаги яна қанотланди. Қора сочлари ҳаволанди. Айланиш шу қадар тезлашдики, Гулнорнинг турган ерида Гулнор эмас бир нур пайдо бўлди ва самога юксалди. ***

Гулнор ўнг қўли билан чап қўлини тутди, қаттиқ қисди, қўли оғриди. Сочларини чангаллаб тортди, оғрик ҳис этди. Оёқларини кўтариб, босди. Яшаётганига амин бўлди. Аммо хаёлга ўхшаган бу ғаройиб ерга қандай келиб қолганини тушунолмай гаранг эди. Бўри увлашлари, яшил кўзлар ва кулранг ёлларни элас-элас хотирлади... Атрофни ўрганиш учун, аланглаб қаради. Бу ер моддий дунёга ўхшамасди. Бир шаҳарнинг кенг кўчасида кетаётганди. Лекин бинолар нурдан тикланган эди, ёки Гулнорнинг билмаган бир материалдан, шаффоф материалдан кўрилганди улар. Мовий, яшил, сарик, турунж ва қизил рангли бинолар. Улар оҳанглар уйғунлиги каби уйғунлик ичида эди. Биноларнинг шифтлари миғфор шаклида эди. Эшик ва деразалари ҳам миғфор шаклида. Лекин шаҳарда ҳеч ким йўқ эди. Гулнор ғаройиб шаҳарнинг бўм-бўш кўчаларидан кетиб борарди. Гоҳ-гоҳ соғ-сўлидан нурдан иборат мавжудотлар ўтиб кетарди. Балки шаҳарликлар шу мавжудотлардир. Юришга давом этди. Гарчи бунини “юриш” деб атаб бўлмасди. Гулнорнинг эти-суяги бор эди, аммо у ҳам ўша нур-мавжудотга ўхшаб қолганди. Кенг кўчанинг охирида кенг майдон, кейин кўлдай қатта ховуз пайдо бўлди. Гулнор бу ховуз ичидан нур каби ўтди. Қаршисига қирқ куббали ҳашаматли бино чиқди. Эшикнинг икки қанотиға ҳам бўри бошлари ўйилиб нақш этилганди. Гулнор эшикдан нур бўлиб ўтди. Бу ер Академиянинг кенг залини эслатарди. Юксакда бир минбар. Гулнор илк дафъа ўзига ўхшаган одамларни кўрди. Курсида оқ сочли ва оқ соқолли одам ўтирарди. Пастроқда, ўтирганлар минг кишига яқин эди, ҳаммаси оқ соч одамга қараб туришарди. Оқ соч одам “Нур қизим, келдингми?” деди. “Келдим, Отаком”, деган сўзлар чиқди Гулнорнинг дудокларидан. Мингта одамнинг кўзлари кулимсиради ва улар нурга айланиб эшикдан сизиб чиқа бошлади. Отаком ўрнидан туриб, Гулнорга яқинлашди ва унинг қўлидан

ГУЛНОР (роман)

тутди. Комнинг юрагидаги сас унинг бармоқларидан қизнинг бармоқларига ўтди, кейин юрагига “Хўш келдинг қизим, сени уч минг йилдан бери кутаётгандим”, деди Отаком. Нур қиз уч минг йил аввалги бу мағфор куббали бинони хотирлади. “Мен ҳам сизни кўриш учун узун йиллар кутдим, ота”, деди қиз. Сўнгра отаси Отакомнинг уч минг йил аввал тўплаган оила мажлисини хотирлади. Отаси Отаком ва онаси Ванак шишадан ясалган глобус ёнида туришарди. Укалари, амакилари, холалари ва узоқ қариндошларигача ҳаммаси жамул-жам бўлишганди. Отаком бу шаффоф глобусга ишора қилиб, “бу кўзчага яхшилаб қаранг!” деди. Бирдан бу “кўзча” ичида осмон пайдо бўлганди. Кейин бирин-кетин юлдузлар ўта бошлади. Ниҳоят “кўзча”да битта юлдуз қолди. Кейин у яқинлаша бошлади. Мовий денгизлари, қора, яшил ранглар кўринди. Шаффоф глобус ичида бир сайёранинг сатҳи, харитаси пайдо бўлди. Отаком “Энди Йиркомни кўрасиз. Мана Йирком, мана Йирком устидаги яшил ўбо (қишлоқ)”, деди Отаком. Сўнгра ўбо ҳам қаттая бошлади. Ўбо гўё чексиз эди, жуда қатта эди. Уртасида шакир-шакир сув оқарди. Дарё қирғоғида бир туман отлик ел каби учарди. Нур қизнинг кўзи олд сафларда чопаетган тулпорга тикилиб қолганди. От устида сочлари хилпираётган бир йигит. Мовий кўзлари уфқларни тешиб боқарди. Миясидан чиққан тўлқинлар билан бир туман отликни боғлаб, олдинга чопарди гўё. Унинг хилпираётган сочлари, олтин кафтаннинг шамолда учган этаклари ва тулпорининг туман каби узаётган ёллари битта шеърнинг уч мисрасини эслатарди. Нур қиз бу гўзалликдан кўзини узолмади. Отасининг оҳангдор сасидан ўзига келди. Отаком “қизим, сенинг қисматинг шу йигит”, деди. Нур қизнинг яшил кўзларида порлаб кетган севинчли бутун оила аъзолари кўрди. Отаком тилга кирди: –Мингларча йил аввал оталаримиздан бири бу шиша қуррани топди, унга “кўзча” деб ном берди. У пайт бор-йўғи 90 киши қолгандик, юқумли касалликдан йўқолиб бораётгандик. Биз яшаётган гўзал сайёрамиз Тейирканда яшаш оғирлашиб, буюк бобомиз уруғимиз тугаётганига

ишониб қолганди. Аммо чексиз коинотда Тейиркандан бошқа ҳам инсон яшаши мумкин бўлган сайёралар бўлиши керак эди. Бобомиз ўйлиниб, синаб-текшириб шу “кўзча”ни кашф қилди. 90 киши унга қаради. Бир сайёра кўрдилик, тенги йўқ эди. Мовий, яшил, бўз ранглар билан безанганди. Катта-катта ўйикликларда мовий сувлар тўла эди. Инишли-чиқишли тупрокларда лойка сувлар оқарди. Бирдан чуқурлашган даралари, бирдан юксалган тоғлари бор эди. Баъзан денгизларга, тоғларга ва ўболарга бўз булутлар кўнарди. Шаклдан шаклга кирган бу сайёрада одамдан бошқа ҳар хил жонзод бор эди. Турли-турли оғоч, турли-турли чечаклар. Буюк бобомиз “бизнинг сайёрамизнинг оти Тейиркан, бу ернинг оти эса Йиркан бўлсин”, дебди. “Ичингизда бир ёш йигит ва ёш кизни Йирконга жўнатаман. Кўнгилли борми?”, деганди у. Она исмли қиз билан Ота исмли йигит ўртага чиқишди. Ва Ота билан Она нур бўлиб, Йирканга учиди. Йирканга инаркан, бир-бирдан узоқ ерларга индилар. Бир-бирига етишмоқ учун нурга айланишни истадилар, аммо айланишолмади. Чунки Йирканнинг ҳавоси бошқа экан. Кунларча, ойларча бир-бирларини изладилар, ниҳоят топишдилар. Йиркан уларнинг авлодларига тўлди. Уларнинг ичидаги бир бўлик Тейиркандаги тилимизни унутмаганди. Аммо уларнинг тили вақт ўтган сари ўзгариб кетганди. Улар ҳам биз каби кўкка, ҳам Тангрига тангри дердилар. “Уза кўк Тангри асро қора йер” қилинганига иншонар эдилар. Одамга “она ўғли” дер эканлар. Буюк отамиз шундай ўйлаган ва шундай ҳаракат қилган эди. 90 киши қолганди бор-йўғи, лекин бу тўксон кишидан ҳеч ким ўлмаганди. Тейирканда такрор кўпая бошладилар. Гоҳ нур, гоҳ жисм бўлиб Тейирканда яшади бизнинг аجدодларимиз. “Кўзча” деб аталган сеҳрли шар махфий сақланди, отадан ўғилга мерос қолди, менгача етиб келди. Бу “кузча”да сиз кўрган сайёра Она ўғиллари яшаган Йиркан, Она ўғиллари бизнинг қариндошларимиздир. Бизда юқумли касаллик йўқ, аммо буюк Отамизнинг руҳи менинг ичимда. У нур қизни Йирканга жўнатишимни буюрмоқда.

(Давоми келгуси сонда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Асал

Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Асал енлар, зеро асал бўлган уйга фаришталар раҳмат тилашади. Асал еган кишининг ошқозонига минг даво киради ва миллионларча гуноҳ узоклашади. Бир киши ўлса ва баданида асал бўлса, баданини жаҳаннам оташи куйдирмайди. Ҳар куни эрталаб асал шарбати ичганлар касал бўлишмайди. Менимча асал каби шифо йўк”, деганлар. Асал ошқозон ва ичаклар фаолиятининг бузилишига шифо; ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги яра ва ташқи яраларнинг битишини таъминлайди. Ревматизм, юрак, ўпка, жигар ва тери касалликларига шифо. Томирларнинг қаттиқлиги, асаб бузилиши ва анемияга фойдалидир. Асал ҳам ич қотишини кетказадиган ҳамда ич кетишини (диареяни) тўхтатадиган доридир. Асал ейиш кишини ёшартиради, кишига қувват бахш этади.

Шифоли томонларидан ташқари, асал чақалоқлардан тортиб қарияларгача керакли озик моддаси ҳисобланади. Ҳақиқий асал ари патагидан олинганидан 4-5 ҳафта сўнгра кристаллашишни бошлайди. Қотган асалнинг кристаллари нозик бўлади. Катта кристалли асалнинг сифати паст. Баъзи асал турлари кристаллашмайди.

Олий сифатли асал баҳор бошларида ва ёзда олинган асалдир. Дори сифатида қўллаш учун айнан шундай асал танланиши керак.

Баҳорнинг охирида олинган асал унчалик шифоли бўлмайди.

Бир нўхат донасидек прополис (асалари елими) ва шу миқдорда асал муми асал билан бирга чайналса, оғиз ва бурун томирларидаги тикилишларни кетказди.

Варикоз, гангрена, оғиз яралари, чипқон, теридаги яллиғланишли яраларга асал суриш шифолидир..

Асал кўз ва кўз яраларига малҳам, оғизни тозаловчи ва томир очувчи сифатида қўлланилади.

Қулоққа бир хил миқдорда асал ва илик сувда эритилган тош тузи дамланса, қулоқни яллиғланишдан тозалайди.

Ангина шишганида оғизда асал тутиш фойдали.

Асал уйқусизликка яхши даводир.

Қанд касали бўлган беморлар ҳам бир чой қошиғидан бошлаб, ҳар кун 1 чой қошиғидан 1 ош қошиғигача асал ейишлари мумкин ва ҳақиқий асалнинг давоси билан бу касалликдан қутулишади.

Асал таом билан бирга ёки таомдан кейин ейилса, шифо ҳусусиятини йўкотади, аллергик таъсир қилиши

мумкин. Асалнинг кўпи семиртиради, дангаса қилади, уйқучи қилиб қўяди. Даволаниш умидада асал ейишни хоҳлаган киши ҳар куни эрталаб ё кечкурун оч қоринга 1 қошиқ асал ейиши керак. Фақат еган асали таом ўрнига ўтади, яъни унинг кетидан таом ейилмайди.

Асал билан бирга сув ичиш мумкин. Эрталаб ва кечкурунги таомдан аввал 1 чой қошиқ асал ейиш ҳам мумкин. Бир неча кун фақат асал билан кун кечирмокчи бўлганлар ҳар куни 100-150 грамм асал ейишлари мумкин. Ҳар куни асал ейдиганларнинг кунда 1 ош қошиғидан кўп асалга ёки бошқа ширинликларга эҳтиёжи қолмайди.

Асални бармоқ билан ёки тахта қошиқда ейиш суннатдир.

Асал совутгич (холодилник) ёки музлатгичларда (морозилникларда) эмас, балки салқин ва қоронғу жойда сақланиши керак. Агар асал солинган шиша ёки тахта идиш қаттиқ ёпилса, ундаги асал шифобахш хусусиятини йўқотмасдан йиллар давомида сақланиши мумкин.

Асал таркибида 18% сув, 40% мева қанди (фруктоза), 34% узум қанди (глюкоза), 0,4% бошқа қандлар, 0,3% протеин, 7,1% темир тузлар, микроэлементлар, ферментлар, витаминлар ва бошқа моддалар бўлади.

Асал лабораторияларда бу таркибга кўра глюкоза ва фруктозаси текширилади. Умуман асалда глюкоза ва фруктоза нисбати меъёрларга тўғри келса, ундаги бошқа моддаларнинг нисбатлари ҳам тўғри келади.

Афсуски, бугун бу текшириш ўз аҳамиятини йўқотган. Чунки Туркияда гени ўзгартирилган глюкоза ва фруктозалар ишлаб чиқарилмокда ва хориждан келтирилган синтетик асал аромати қўлланилмокда.

Бу шаклда яхши хидли турли аралашмалар асал сифатида бозорга чиқарилмокда.

Бу сохтакорликни исбот қилиш қийин иш, чунки Туркияда бу соҳада етарлича лаборатория ва мутахассислар йўқ.

Асал билан тайёрланадиган дорилар:

1 кг сариёғ сувда 5-10 дақиқа қайнатилади, сув устига чиққан сариёғ олиниб, 500 гр асал билан аралаштирилади. Яра, пуфакчалар ва куйган жойларга сурилади. Бу аралашмани нонуштада нон билан ҳам еса бўлади.

3 қошиқ мойчечак 500 гр. иссиқ сувга солинади ва 1 соат дамланади. 40 даражагача етиб, совуганидан сўнг сузилади ва 3 ош қошиқ асал қўшиб ейилади. Ангина, оғиз, тил, ошқозон ва ичак яраларига ҳам қўлласа бўлади (ғарғара қилинади, ичилади, клизма қилинади).

1 ош қошиқ асал 1 пиёла олма шарбатида эритилади ва ҳар куни

эрталаб оч қоринга ичилади. Бу дори хусусан жигар хасталикларига шифодир.

10 гр тош тузи 50 гр илик сув билан эритилади. Сўнг бу тузли сувдан керакли миқдор олинади ва шу миқдордаги асал билан аралаштирилади. Эрталаб-кечкурун илитилиб қулоқларга 7-8 томчи томзилади. Ўрта қулоқнинг яллиғланиши, замбуруғ ва қулоқ шанғиллашига фойдалидир. Ёнғоқ барги чой каби дамланиб, сузилади. 40 даражагача совиганидан кейин асал қўшилади. Ҳар куни чой қилиб ичилса, танага қувват беради ва жонлантиради.

Асалли саримсоқли дори 10 дона лимон суви тахта ховончада майдаланган 10 бош саримсоқ ва 1 кг асал билан аралаштирилиб, шиша идишга солинади. Оғзи 3 қават пахта латта билан ёпилади, салқин ва қоронғу жойда 7 кун сақланади. Етти кундан сўнгра идиш оғзи ёпилиб, музлатгичга қўйилади. Йиллар давомида сақланиши мумкин, қанчалик кўп сақланса, шунча қувватли бўлади.

Дори тайёр бўлганда ҳар куни бир вақтда оч қоринга 4 чой қошиқдан истеъмол қилинади. Ҳар сафар оғизга 1 чой қошиқдан кўп емаслик ва ютмасдан аввал оғизда эритиш керак. Чунки муҳими дорининг ошқозонга кириши эмас, балки оғиздаги майда томирлар орқали баданга сингишидир. Дорининг бу шаклда истеъмол қилиниши юрак ва мия томирларини тозалайди.

Ичилса, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларини, ошқозондаги Н.Рylogi инфекциясини йўкотади.

Бу курс соғлом кишиларнинг касалланмасликлари, касалларнинг эса тузалиши учун йилда бир марта қўлланилади. Бундан ташқари, ёши 40 дан ўтганлар ҳар қандай касалликка мазкур дорини ичишлари мумкин.

ИЗОҲ: Лимон суви ўрнига сирка ҳам қўлланса бўлади (“Олма Сиркаси” бўлимига қаранг.)

Полен

Ўта қиммат озуқа ҳисобланган полен ари уясидан олинганида кўплаб касалликлардан соғайишни осонлаштиради. Ариларнинг ферментлари билан аралашган полен аллергия бермайди. Катта, кичик, ёш, қари, касал ёки соғлом ҳамма полен ишлатиши мумкин. Ўсмирлар 1 чой қошиқ, кичиклар эса ярим ёки чорак чой қошиқ полени ўша миқдорли асал ҳамда илик сув билан аралаштириб, умр бўйи йилда 1 ойлик курслар олишлари мумкин. Полен тоза бўлиши ва эрталаб оч қоринга ичилиши керак.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Агар бир йил ўтиб кетса, фойдали хусусиятларини йўқотади ва аллергия бериши ҳам мумкин. Полен совутгичда сақланиши ва қурук бўлиши керак, чунки намдан бузилади. Унинг ичида мавжуд 27 модда (натрий, калий, цинк, бор, кальций, титан, хром, барий ва бошқалар) сув билан кимёвий реакцияга киришиб, соғлиқ учун зарарли ҳолга келиши мумкин. Полен истеъмол қилганлар протеинли озуқаларни (гўшт, тухум, пишлок, балиқ) ейишни камайтиришлари керак, чунки поленда жуда кўп протеин бор.

Ари сути

Ари сути ревматизмга, гормон мувозанатсизлигига, анемияга, ҳолсизликка, ошқозон ва ичак касалликларига, соч тўкилишига, ўпка, юрак ва бошқа касалликларга қарши қабул қилинади. Ари сути таркибида В1, В2, В3, В6, В12, С, Н, РР, Е витаминлари, аминокислоталар ва органик кислоталар мавжуд. Ари сути совутгичда сақланади. Қабул қилиш услублари: 10-20 миллиграмм ари сути эрталаб-кечқурун оч қоринга тил остида эритилиб, кейин ютилади. Тўғридан-тўғри ютилса, шифоли хусусиятларини йўқотади.

Ёки:

10-20 миллиграмм ари сути 10-30 гр асал билан аралаштирилиб, бир ой давомида эрталаб-кечқурун оч қоринга оғизда эритилиб ютилади. Бу танадаги безларни тозалаб, уларнинг мувозанатли ишлашини таъминлайди.

Прополис (асалари елими)

Прополис ари уяларидаги қаҳваранг катрон бўлиб, юқори даражали антимикробил ва бактерицид таъсиридан ташқари ангина, милк касалликлари, ташқи ва ички яралар, куюклар, экзема, замбуруғ, геморрой, туберкулёз, захм (сифилис), суяк касалликлари ва шу каби касалликларнинг давосида қўлланилади.

Қўллаш услублари:

Нўхот катталигидаги прополисни эригунча оғизда сақлаб ёки сақич қилиб чайнаш ангина, милк касалликлари, суяк юмшаши, тиш оғриғи, ошқозон, оғиз ва тил яраларига фойдали. 1 кг сариеғ эмал ёки шиша идишда қайнатилиб, 80 даражагача совугандан кейин ичига 100-200 гр прополис парча-парча ҳолатда қўшилади. Бу аралашма 80 даражадаги сув идишда (бир идишга 80 даража совуқликда сув қуйилиб, ичига сариеғ ва прополис бўлган идишлар қўйилиб) 20-30 дақиқа аралаштирилади. Ички касалликлар ва яраларга қарши

эрталаб оч қоринга 20 граммдан ейилади. Тери касалликлари ва яраларга сурилади. Бу аралашмани соғлом киши ҳам нонуштада нонга қўшиб, чой билан ичиши мумкин. Прополис иситилганидан сўнг сўгал устига қўйилади ва устидан боғланади. Ва сўгал купорилиб, тушгунча 3-5 кун қутилади. Прополис салқин ва қоронғу жойда йиллар давомида сақланса, шифоли хусусиятлари йўқолмайди, аксинча, ортади.

Мева ва сабзавотлар

Янги сабзавот ва мевалар ҳазми қулай ва соғлом озуқа сифатида инсон учун етарлидир. Мева сабзавотлардаги сув, органик кислоталар, витаминлар ва микроэлементлар баданни тозалайди ва унга шифо бахш этади. Бу моддалар мева ва сабзавотлар янгилигида ейилганда фойдали бўлади. Сабзавот ва мевалар пиширилганда ўз суви, органик кислоталари ва протеинларидаги табиий таркибни йўқотиб, витаминларидан маҳрум бўлади. Қисқаси, тирик мавжудотлар жон беришади. Масалан, помидор ёки исмалоқнинг суви янгилигида ичилса, баданни оҳақлардан тозалайди, анемияни кетказди ва бадан қувватини оширади.

Помидор янгилигида ейилса, суяк юмшаши, ҳатто саратоннинг олдини олади. Пиширилганида ичидаги оксалацид зарарли ҳолга келиб, тузланиш, томирларда торайиш, анемия, буйрак ва сафро тошини келиб чиқишига сабаб бўлади. Қуритилган сабзавот ва мевалар эса янгилик хусусиятини йўқотмайди. Шу сабабдан қуритилган меваларни қайнатиб, компот қилиш тўғри эмас. Бунинг ўрнига қурук мевани 4-7 соат сувга солиб, аввал сувини ичиш, кейин эса мевасини ейиш фойдалидир.

Мева бутунлай таомдан айри (бошқа маҳал) ёки таомдан аввал ейилиши керак. Шу билан бирга, таомдан кейин ейилган мева ҳазм бўлмасдан ачийди, спирт, сирка кислотаси, газ ишлаб чиқариб, турли касалликларга, ҳатто жигар сиррозига сабаб бўлади. Мева ва сабзавот пўсти олинмасдан, бир неча уруғи билан ейилиши керак. Тарвуз, лимон каби меваларни, оғз бўлса ҳам, пўстлоғи билан ейиш фойдалидир. Ошқовок, картошка, бақлажон, кизил лавлаги каби сабзавотлар печка ёки оловда пўстлоғи билан пиширилади. Қаттиқ мева ва сабзавотларни (олма, сабзи ва бошқаларни) янчганда пўстлоғи билан бирга янчиш керак. Меваларга шакар, сут ёки туз қўшилмайди. Бир неча тур мева бир пайтда ейилмайди. Фақат бир синфга

кирувчи, масалан апельсин, грейфрут, лимон ёки олча, гилос кабилар бир пайтда ейилиши мумкин. Аммо бир синфдан бўлиб, ранги турли бўлса (масалан қизил ва яшил олма) аралаш ейилмаслиги керак, акс ҳолда улар қоринда газ пайдо қилади ва қоринни шиширади. Икки турли мевани фақат 30 дақиқа ёки 1 соат танаффус билан ейиш мумкин.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) янги хурмони қаймоқ билан, майизни нон билан ер эдилар. Соғлом бўлсангиз, қулупнай ва хурмони қаймоқ билан, бананни асал билан ейишингиз мумкин. Ёки табиий, тозаланмаган, қўшимчалар қўшилмаган ундан тайёрланган, табиий ачитки билан тайёрланган ва тандирда пиширилган нонни анор ёки узум билан ейиш мумкин. Мева сувларини ва меваларни бир-бири билан аралаштиришни бу масалани билган доктор тавсияси билангина амалга ошириш мумкин.

Шубҳасиз, ҳар меванинг таъмида ҳикмат бор.

Шундай бўлмаса эди, Аллоҳ Таъоло барча меваларни бир хил таъмда яратар эди. Меваларнинг таъмини туз ёки шакар қўшиб, ўзгартиришдан олдин ўйлаш керак. Бу сабзавотларга ҳам тегишли.

Пишиқчилик (ҳосил) даврида ейилган мева ва сабзавотлар касалликларни кетказувчи хусусиятлар эга бўлади, бу мавсумдан бошқа пайтда ейилган мева ва сабзавотлар касаллик келтириб чиқариши мумкин. Масалан, музлатгичда музлатилганидан кейин қовун, олма ёки нокнинг кимёвий таркиби ўзгариб, улар ачиб спирт, сирка ёки ацетон ишлаб чиқаради, ҳазм ва метаболизмнинг бузилишига, ичакларда ортиқча газлар қўпайишига сабаб бўлади.

Узоқ вақт сақланган мева ва сабзавотларда йиғилган гормон ва кимёвий моддаларнинг молекулалари парчаланса, бундан ҳам хавфли бўлади.

Энг фойдали мева ва сабзавотлар сизга энг яқин боғ ёки полиздан узилган, янги мева ва сабзавотлардир. Чунки бир экологик муҳитда фойдали бўлган мева ёки сабзавот бошқа бир экологик муҳитда яшайдиган кишига кўзланган фойдани бермайди. Яъни экологик муҳит ва инсон бир бутун ҳисобланади.

Ойдин СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг маълумотларидан
фойдаланилди.

Масъул муҳаррир Камолиддин Йўлдош

erkinyurt@uzxalqharakati.com